

94  
X 30

94(575.17)

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

(жадвал ва чизмаларда)

I, II ва III қисмлар

2032433

Ўзбекистон  
тарихи  
каф-си  
мурири  
*[Signature]*

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti  
321264  
Axborot Resurs Markazi

ТОШКЕНТ - 2007

42637

94(575.1)(045.8)  
История УД

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқув-услубий кенгаши  
томонидан тасдиқланган

## **JIDUning 15 yiligiga bag'ishlanadi**


<b>Тузувчи- муаллиф:</b>	<b>Ҳасанова Мавлуда Ботиралиевна</b> – “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди.
<b>Тақризчилар:</b>	<b>Агзамова Гулчеҳра Азизовна</b> – ЎзРФА Тарих институти етақчи илмий ходими, тарих фанлари доктори. <b>Фармонов Раҳмон Фармонович</b> – “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор. <b>Ҳабибуллаев Нозим Насибуллаевич</b> – тарих фанлари номзоди, доцент.

Ушбу қўлланмада «Ўзбекистон тарихи» курси бўйича асосий маълумотлар қисқа ва содда шаклда берилган. Қўлланма турли жадвал ва чизмалардан иборат бўлиб, дастурнинг энг қулай тарзда ўзлаштирилишига имкон яратади.

Олий ўқув юртлири талабалари ва барча қизиққанларга тавсия этилади.

# I ҚИСМ.

## ҚАДИМГИ ЖАМИЯТНИ ТАХМИНАН ДАВРЛАШТИРИШ ЧИЗМАСИ



Табий-иқлимий омил: ер магнит майдонининг «Ғарбга силжиши» ва қутбларнинг ўзгариши натижасида голоценада иқлим ўзгаради, бу эса миграцияга ва турмуш шароитларининг ўзгаришига олиб келади.

### ИЛК ПАЛЕОЛИТ

Мил. авв. 700/500-100 мингйилликлар

Ер юзидаги илк одамлар

↙	↓	↓	↓	↘
<p>Шарқий Африкадаги Олдувай дараси</p> <p>↓</p> <p>Презинжантроп ва зинжантроп (2 млн. 400 минг йил – 1 млн. 400 минг йил – ривожланишнинг боши берк бўғини)</p>	<p>Жанубий Африка</p> <p>↓</p> <p>австралопитек - 1 млн. йилдан ортиқ вақт илгари</p>	<p>Индонезиянинг Ява о. Кендунг-Броус дарёси қирғоғида</p> <p>↓</p> <p>питекантроп - тахминан милод. авв. 1 млн. йил</p>	<p>Шарқий Хитой (Чжоукаутун гери)</p> <p>↓</p> <p>синантроп - милод. авв. 700-600 мингйилликлар</p>	<p>Ўрта Осиё Фарғона vodiysidaги Селенгур манзилгоҳи</p> <p>500-100 мингйилликлар</p>

Энг қадимги одамлар инсоният эволюциясининг турли поғоналарини ўз қиёфаларида намоён этганлар. Улар қадларини тик тутиб юрганлар, меҳнат қуроолларини ясашни ва ишлатишни билганлар.

Илк  
меҳнат  
қуроол—  
лари

жуда содда бўлган: тўқмоқлар, кавлагич  
таёқчалар, ўткирланган тошлар, чўқморлар ва ғ.

### Қадимги машғулотлар:

Одамзот табиат унга нимани инъом қилса, шундан фойдаланган, шунинг учун одамларнинг энг қадимги машғулоти — термачилик ва овчилик — «ўзлаштирувчи хўжалик» деб номланади.

Одамнинг қуроол ясай олин қобилияти унга ҳайвонлар олаמידан ажралиб чиқишида ёрдам берди.

Қадимги одамлар  
ибтидоий жамоа  
бўлиб яшаганлар

Ибтидоий тузум—бу инсоният тарихидаги  
дастлабки давр бўлиб, унда барча меҳнат  
қурооллари умумий ҳисобланган, одамлар  
биргалашиб иш юритганлар ва тенглик мавжуд  
бўлган

Бу даврда ер юзини тўрт марта муз босади, шу жумладан қуйи палеолит даврида ер юзини уч марта муз босади, шунинг учун ҳам қуйи палеолит даври шартли равишда дошель, шель ва ашель даврларига бўлинади; тўртинчи марта ер юзини юқори палеолит даврида муз босади; мустье — ўрта палеолит даври эса ер юзини муз босиши ўртасидаги навбатдаги оралиқ даврдир. Табиий-иқлимий омилнинг ўзгариши инсоннинг унга мослашишига, сўнг эса ирқларнинг шаклланишига олиб келди

Одамларнинг янги турмуш шароитларига мослашиши (ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ўзгариши) янги ҳудудларнинг ўзлаштирилишига, янги меҳнат фаолияти турларининг пайдо бўлишига олиб келади

Буларнинг ҳаммаси биргаликда инсоннинг ташқи қиёфаси ва руҳиятининг янада ривожланишига сабаб бўлди

**ЎРТА ПАЛЕОЛИТ (мустье)  
(Мил. авв. 100-40 мингйилликлар)**

Бу даврда яшаган одамларни «неандерталлар» деб атаганлар (уларнинг суяк қолдиқлари дастлаб Германиянинг Неандертал водийсидан топилгани учун шу жой номи билан аталган)

Ўзбекистон ҳудудида мазкур даврга мансуб машҳур манзилгоҳ – **Тешиктош** гори топилган



Кўлбулоқ, Обираҳмат, Бўзсув, Қопчиғай, Қайроққум, Учтут, Вауш, Иджонт, Қизил – Нур I манзилгоҳларининг қуйи қатламлари ва бошқалар. Селенгур манзилгоҳининг энг юқори чегараси, Хўжакентнинг қуйи қатламлари ҳам мана шу даврга мансубдир.



Ибтидоий тўда бўлиб яшаганлар

**Неандертал одами**

яшаш учун табиий ғорларни ўзлаштирган.	қуйидаги меҳнат қуроолларини ясаган: - чопқи, учли найзалар - йўниш техникасини қўллаган, бунда учбурчак пластиналар қирғичлар яшаш учун хом ашё бўлиб хизмат қилган.	ҳайвон терисидан кийим-кечаклар тайёрлаган.	оловдан фойдаланган.	йирик ҳайвонларни овлаган, термачилик билан шуғулланган
--	---	---	----------------------	---

**Мустье даврида**

- диний тасаввурлар куртак ота бошлаган
- ўлганлар «ухлаётган одам» ҳолатида дафн этила бошланган
- ҳайвонларнинг қозиқтишларидан тақинчоқлар ясала бошланган.

Неандертал одами ҳозирги замон одамининг шаклланишида ўтиш босқичи бўлиб хизмат қилган, унинг оёқлари ва елкаси тўғри бўлган, пешонаси ва пастки жағи бўртиб турган.

Бугунги кунда кўпгина олимларнинг фикрича, палеолит икки қисмга: «икки сакраш назарияси»га мувофиқ «қуйи» ва «юқори» қисмларга бўлинади, «ўрта» палеолит эса «қуйи» палеолитнинг якунловчи босқичи ҳисобланади.

### ЮҚОРИ ПАЛЕОЛИТ (сўнги) (Мил. авв. 40-12 мингйилликлар)

Бу даврда яшаган кроманьон одами (Франциянинг Кро-Маньон ғоридан топилгани учун) «неантроп», яъни «янги одам», худди шунингдек бундан олдинги давр одами - «homo habilis» - «омилкор одам»дан фарқли ўлароқ, «Homo Neandertalensis» - ақл-идрокли одам деб аталади.


Одамнинг ҳозирги қиёфаси шаклланади.



- қош устидаги бўртиб турган мушаклар йўқолади
- пешона ва пастки жағи шаклланади
- ҳаракатлари енгиллашади ва тезлашади
- қўллари такомиллашади
- нисбатан нозик меҳнат қуроллари ясайди

Янги пайдо бўлган «сиқиш» техникаси ёрдамида хилма-хил меҳнат қуроллари учун қолиплар ясалган. «Пичоқсимон парраклар» шулар жумласидан бўлиб, улардан қуйидагиларни тайёрлаш мумкин бўлган:

#### Мураккаб меҳнат қуроллари



Бу даврнинг одами яшаган  
манзилгоҳлар Ўзбекистон ва ўрта  
Осиёнинг барча ҳудудларида топилган



Бўзсув, Қўлбулоқ, Оқтош, Иджонт ва Учтутдаги «кўп қатламли» эски манзилгоҳларда ҳам одамлар яшапда давом этганлар. Хўжакент, Обираҳмат, Самарқанд ва бошқа жойларда одамлар яшайдиган янги манзилгоҳлар вужудга келган.

**Маданий қатлам** – барча қадимги манзилгоҳлар жойлашган, инсон фаолиятининг излари – меҳнат қуроллари, гулханлар, озиқ-овқат қолдиқлари – суяклар, чиганоқлар ва ҳоказолар қолган ер қатламининг археологияда қабул қилинган номи.

Бу даврда турли табиий-иқлимий минтақаларга одамнинг мослашиши натижасида асосий ирқлар вужудга келган, зотан, Юқори палеолит даврида Ер курраси деярли тўлиқ ўзлаштирилган.

**Инсоният ирқларининг вужудга келиши:**



Юқори  
палеолитда

- балиқчилик,
- ёввойи ўсимликлар термачилиги давом этади;
- одамлар турар жойлар - бостирмалар, чайлалар, ертўлалар қура бошлайдилар

Навбатдаги музлашнинг (жами 5 марта бўлган, шулардан 4 таси палеолит даврида) тугаши қадимги одам ҳаётининг тўла ўзгаришига олиб келади – бу давр мезолит деб аталади.  
(Ҳар бир музлаш даври бир неча юз минг йил давом этган, музлашлар орасидаги даврлар тахминан 200 минг йилга чўзилган. Охириги музлаш даври тахминан милoddан аввалги 15-12 мингйилликда яқунланган)



Мезолит (ўрта тош даври)  
(Мил. авв. 12-7 мингйилликлар)


Даврнинг энг муҳим кашфиётлари

Геометрик микролитлардан фойдаланишнинг янги технологияси ва «ичқуймали техника» вужудга келди, яъни асос – суяк, ёғоч пазларга қўйилиб, устидан асфальт, мум қуйилган майда (учбурчак, тўртбурчак) қатламлар билан тўлдирилди. Бундай меҳнат қуроллари кўп функцияли бўлиб, уларни узоқ вақт ишлатиш мумкин, яъни яхлит тош парчасидан пичоқ ёки кескич ясагандан кўра, суяк ёки ёғочни асос қилиб олиб, унинг устидан кремний қуйган маъқул.

- Таркибий меҳнат қуроллари → чопқичга даста уланиб – болта ясалади.  
→ ўткир учлар дарахт шохлари билан бирлашгач, отар найзага айланади.  
→ ўқ-ёй (камон) тайёрланади.

Шунинг учун ҳам якка овчиларнинг аҳамияти ортди, бироқ жамоа бўлиб ов қилиш ўзгарган кўринишда (ҳайвонни кўплашиб қувиш) сақланиб қолди, чунки муз даври ўтиб, озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ сақлашнинг иложи бўлмай қолди, бунинг устига, йирик ҳайвонлар – мамонтлар қирилиб кетди, майда ҳайвонларни эса бошқа усулларда ов қилиш маъқуллиги аён бўлиб қолди.


Одам ҳайвонларни қўлга ўргата бошлайди



Одамлар деярли бутун  
Ўрта Осиё ҳудуди бўйлаб жойлаша бошладилар.

\* Шунинг учун ҳам мезолит даврига мансуб қўналгаларда меҳнат қуроллари палеолит даври ёдгорликларига нисбатан камроқ учрайди, яъни вақтдан янада самарали фойдаланилади.

### Мезолит даврининг фанга маълум бўлган ёдгорликлари:



Мезолит даврида тарихнинг биринчи қонуни амал қилади – Ер куррасида турмуш шароитларининг ҳар хиллиги тарихий тараққиётнинг ҳар хил кечишига олиб келади (бир пайтнинг ўзида турли даражада ривожланган маданиятлар мавжуд бўлади).

### НЕОЛИТ ДАВРИ (янгитош даври) (Мил. авв. 6-4 мингйилликлар)

Бу давр ўзлаштириш хўжалигидан ишлаб чиқариш хўжалигига - деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш даври бўлиб, у «неолит давридаги техникавий инқилоб» тушунчасига бирлаштирилган қўйидаги хусусиятлари билан таърифланади

1) Тошдан меҳнат қуроллари яшашнинг янги усуллари (силлиқлаш, қиртишлаш, пармалаш)

2) Деҳқончилик ва уй чорвачилигининг вужудга келиши. (Қўлга ўргатилган ҳайвонлар асосида майда шохли қорамол хонакилаштирилади бошланди).

3) Уйсозлик

4) ҳунармандчилик ишлаб чиқариши (тўқимачилик ва кулолчилик) вужудга келди. Сопол идиш-товоқлар яшаш муҳим кўрсаткич ҳисобланади, шунинг учун ҳам неолит мазкур белгига қараб шартли равишда икки даврга: сопол давригача бўлган даврга ва сопол даврига бўлинади.

5) Ҳаётнинг янги ижтимоий тартиби – уруғчилик жамияти юзага келди. Уруғга аёл – онанинг бошчилик қилгани даврга «матриархат», яъни «она уруғи даври» деб ном бериш учун асос бўлди.

Бу сабабларнинг барчаси қўшилиб, ер юзида биринчи демографик портлашга олиб келди (иккинчи демографик портлаш- XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошида содир бўлмоқда)

Неолит  
даврида



ўтроқ ҳаёт тарзига ўтилди, яъни уруғ жамоаларининг ўтроқ манзилгоҳлари вужудга келди.

Неолит даврида она уруғи – Матриархат ўз тараққиётининг бир нечта босқичини босиб ўтди, бу пировард натижада жуфт оиланинг вужудга келишига олиб келди.



Неолит даврига ва бундан кейинги бошқа даврларга ўтиш Ер қуррасининг турли қисмларида турли даврларда ҳар бир минтақанинг табиий-иқлимий шароитларига қараб, тарихнинг асосий қонунига мувофиқ амалга ошди, бунда ҳар бир кейинги давр ўзидан олдинги даврдан қисқароқ бўлди, яъни «замонда ривожланиш суръатларининг жадаллашиш» қонуни амал қила бошлади.

Ўрта Осиёда уч хил маданият тарқалди:

↙	↓	↘
<p><b>Жойтув маданияти</b> – Ўрта Осиёда биринчи сунъий суғориш тизимига асосланган энг қадимги деҳқончилик маданияти (Туркменистон жануби, мил. авв. 6-5 мингйилликлар), шунингдек Чўпонтёпа, Чағаллитепа, Бами ва бошқалар.</p>	<p><b>Калтаминор маданияти</b> – унда одамлар овчилик ва балиқчиликдан ташқари, Амударёнинг қуйи оқимидан вақтинча қазилган ариқлар ёрдамида сув олиб, деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар (мил. авв. 5 мингйиллик охири – 4 мингйиллик бошлари</p>	<p><b>Ҳисор маданияти</b> – Ҳисор воҳасида тарқалган маданият бўлиб, бўёқсиз ишлаб чиқариш сифатида таърифланади ва қадимги тош асри даражасига кўпроқ мос келади, яъни нисбатан архаик маданият.</p>


**ЭНЕОЛИТ ДАВРИ**  
(мис-тош асри)  
(Мил. авв. 4-3 мингйилликлар)

Тош қуруллари билан бирга миснинг ишлатилган даври энеолит деб аталади.

Ибтидоий жамоаларда меҳнат қуруллари ва безаклари мисдан тайёрлана бошланди	⇒ пичоқлар
	⇒ бигизлар
	⇒ игналар
	⇒ болталар
	⇒ билакузуклар
	⇒ маржонлар
	⇒ зираклар ва ҳоказо

Аммо тош барибир меҳнат қуруллари тайёрлашда асосий хом ашё сифатида қолади, чунки мис етарлича қаттиқ эмасди.

**Яққол ўзгаришлар намоён бўлади**



Бу даврда қабилалар мисни эритиш ва қайноқ ҳолида ишлов бериш имкониятига эга эдилар

Энеолит  
даврининг  
хусусиятлари

- ⇒ деҳқончиликнинг тоғолди жойларида пайдо бўлиши
- ⇒ қадимги одамнинг – ёввойи ўсимликлар эҳтимолий теримидан, керакли бошоқли ўсимликларни парвариш қилишига ўтиш даври
- ⇒ аҳоли йирик уй ҳайвонларини кўпайтириш билан шуғулланади (сигирлар, отлар, туялар)



Чорвачилик фақатгина сут ва гўшт маҳсулотини бермасдан, балки деҳқончиликнинг самарали ривожланишига ҳам имкон яратган

Энеолит даврида эркаклар қабилаларда етакчилик мавқеини эгаллай бошладилар

### БРОНЗА ДАВРИ

(Мил. авв. 2-1 мингйилликлар)

Бронза даври бир вақтнинг ўзида тош даврининг давоми ҳамдир.

Бронза ихтироси – буюк  
маданий-ҳўжалик кашфиёти



Шу сабабдан ундан  
фойдаланиш соҳалари  
кенгайди

- ⇒ меҳнат қуроллари
- ⇒ уй-рўзгор буюмлари
- ⇒ қуроллар мукаммаллаштирилди


Бронза даври қуйидагилар билан  
таърифланади:



ишлаб чиқарувчи ҳўжаликнинг мустақил соҳаси бўлган яйловдаги чорвачиликнинг вужудга келиши нагижасида қуйидагилар содир бўлди:

1. Меҳнатнинг биринчи ижтимоий тақсимланиши (чорвачилик уй)	2. Қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши савдо-айирбошлаш	3. Аҳолининг «яшашга яроқли» ҳудудларни жадал ўзлаштириши ва уларга келиб жойлашиши натижасида «ҳаёт майдони»ни сақлаш ва назорат қилишга зарурат туғилди, бу эса маҳаллий ҳарбий тўқнашувларга олиб
чорвачилигига эга бўлган деҳқончиликдан ажралиб чиқади).	муносабатларини вужудга келтирди.	келди, натижада қабилаларнинг иттифоқлари вужудга келди, эркакларнинг роли кескин ортди, қабила оқсоқоллари, одатда, бир онадан туғилган икки ака-ука бири – ҳарбий тўқнашувлар пайтида, иккинчиси – тинчлик пайтида оқсоқол вазифасини бажара бошладилар.

Натижада минтақаларо айирбошлаш жараёни кучаяди



Шундай қилиб, хўжалиқнинг асоси чорвачилик ва деҳқончилик бўлиб қолади

Оқибатда:



қўшимча маҳсулот  
пайдо бўлади




Бу нарса уруғлар, қабила-  
ларнинг ўзаро айрбошлаш  
муносабатларига олиб келади



Иқтисодий, маданий, этник  
алоқалар ўрнатилади

### Даврнинг йирик кашфиётлари:



Бу давр одатда «дастлабки шаҳар тамаддуни»га оид деб топилади, чунки бу даврда бўлгуси шаҳар белгиларига эга бўлган девор билан ўралган қишлоқлар – Сополлитепа, Жарқўтон (Ўзбекистоннинг жанубида) пайдо бўлган.

## ТЕМИР ДАВРИ

(Мил. авв. 1 мингйилликдан синфлар ва давлатлар ташкил топгунга қадар)

*Темирнинг қўлланилиши - ибтидоий жамоа тарихидаги катта ҳодиса*

### Темирнинг пайдо бўлиши

ибтидоий жамоа тузумини  
инқирозга учратди

жамиятнинг табақаланиш  
жараёнини тезлаштирди


Инсоннинг темир билан танишиши шартли равишда  
икки даврга бўлинади:

пуфлаб қуйиш усулида темир олинади, бироқ бундай буюмлар бронза билан рақобатлаша олмайди (бундай темирдан заргарлик санъатида, баъзан тилла ёки кумуш тақинчоқларга ўрнатмалар сифатида фойдаланиш мумкин эди).

темирни оловда тоблаш, яъни пўлат қуйиш усули кашф этилганидан сўнг темирдан ясалган буюмлар рақобатбардош бўлиб қолди, чунки темир рудаси (мис ва бронзадан фарқли ўлароқ) ҳамма ерда бор эди; бронза темирдан пишиқлигига қарамай, хўжаликда ва ҳарбий соҳада темирдан кенг фойдаланила бошланди, бу жамиятнинг табақаланишига ва пировард натижада давлатчиликнинг вужудга келишига кўмаклашади.



Бу даврда шаҳарнинг асосий хусусиятларидан бири пайдо бўлади:



Давлат вужудга келади

## ИБТИДОИЙ ДАВРДАГИ

### АРХЕОЛОГИК МАДАНИЯТЛАР\*

- |  |   |  |
|--|---|--|
| Жойтун маданияти (мил. авв. VI-V мингйилликлар)                                  | ⇒ | Ўрта Осиёда (Жанубий Туркманистон) зироатчилик ривожига асос солган қадимги маданият.                      |
| Калтаминор маданияти (мил. авв. V мингйилликнинг охири – IV мингйилликнинг боши) | ⇒ | Жанубий Орол бўйидаги қадимги овчи ва балиқчиларнинг неолит даври маданияти.                               |
| Замонбобо маданияти (мил. авв. II мингйилликнинг боши)                           | ⇒ | Бухоро вилояти, Зарафшон воҳасидаги қадимги деҳқонлар маданияти  |
| Саразм маданияти (мил. авв. II мингйилликнинг боши)                              | ⇒ | Тожикистондаги Энеолит ва бронза даври зироатчиларининг милоддан аввалги 3-2 мингйилликларга доир манзили. |
| Тозабөгёб маданияти (мил. авв. II  | ⇒ | Амударё қуйи оқими ерларида  |

\* Бир даврга тегишли археологик ёдгорликларнинг умумий хусусиятларини англатадиган тушунча.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet


17

Axborot Resurs Markazi

мингйилликнинг 2 ярми)		истиқомат қилган зироатчи ва чорвадор қабилалар маданияти.
Чуст маданияти (мил. авв. II мингйилликнинг охири – I мингйилликнинг боши)	⇒	қадим зироатчиларнинг бронза даври охирида Фарғона водийсидаги манзиллари (Чуст, Далварзинтепа, Ашқалтепа, Чимбой).
Амиробод маданияти (мил. авв. I мингйилликнинг боши)	⇒	Қадимги Хоразм ҳудудида сўнги бронза ва темир асрига ўтиш даврида шаклланган зироатчилар маданияти. Бу қабилаларга суғориш усули маълум бўлган.
Бурғулик маданияти	⇒	Тошкент воҳасидаги Чуст маданиятига яқин манзил. Аҳолиси зироатчилик ва чорвачилик билан шуғулланган.
Сополлитепа маданияти (мил. авв. II мингйилликнинг ўрталари)	⇒	Бронза даврида Ўзбекистон жанубидаги қадимги зироатчиларнинг манзили.

**Мил. авв. VIII-VII асрларда  
ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДАГИ ДАСТЛАБКИ ДАВЛАТ БИРЛАШМАЛАРИ**

Дастлабки давлатчилик Ўзбекистонда мил. авв. VII асрда ривожлана бошланди. Давлат бирлашмалари олдинги даврдаги (мил. авв. IX-VIII асрлар) қабилалар иттифоқининг ҳарбий демократия тамойиллари асосида тузилган.




Ҳудуди: Ўзбекистоннинг жануби.  
 Жануби-Шарқий Ўрта Осиёнинг катта  
 ҳудудини, шу жумладан Сурхондарё,  
 қисман Қашқадарё, Зарафшон  
 ҳавзасини, Амударёнинг юқори  
 ҳудудини, ҳамда ҳозирги  
 Афғонистоннинг шимолини назорат  
 қилган қабилалар иттифоқи.

Ўрта Осиёнинг катта қисмини -  
 Амударёнинг қуйи оқимидан  
 Туркمانистоннинг жанубигача  
 бўлган ҳудудларни, шу  
 жумладан Ўрта Осиёнинг  
 марказий ҳудудларини назорат  
 қилган қабилалар иттифоқи.

Бу давлатлар ҳудудида топилган дастлабки  
 шаҳарлар энг қадимги ҳисобланади.  
 Уларнинг ёши 2700 йилдан ортиқ.

### Машғулоти



Дастлабки давлатчиликнинг ривожланиши маҳаллий аҳолининг юксак даражада ривожланган қадимги зироатчилик маданиятига асосланган эди.

## АҲОМАНИЙЛАРНИНГ ЎРТА ОСИЁГА БОСТИРИВ КЕЛИШИ


Мил. авв. VII асрнинг ўрталарида тарихий-маданий вилоят – Бақтрия Бобил томонидан, мил. авв. VI асрнинг ўрталарида эса – Аҳоманийлар сулоласидан бўлган қадимги Эрон шоҳлари томонидан истило қилинди.

Кир II (Мил. авв. 558-530 йиллар)	⇒ Мидия, Лидия, Бобилни босиб олган ⇒ Парфия, Маргиёна ва Бақтрияни эгаллаган ⇒ Мил. авв. 530 йилда – массагетларга қарши юриш ⇒ Малика Тўмарис ⇒ Кир II нинг ҳалок бўлиши (форс қўшинларининг буткул қирилиши)
--	---

Кир II нинг ўғли Камбиз отасининг истилочилик сиёсатини давом эттириб, Мисрни Аҳоманийлар давлатининг таркибига киритди


Доро I (Мил. авв. 522-486 йиллар)	⇒ Мил. авв. 522 йил – Маргиёнада Фрада бошчилигида қўзғолон (маргиёналиклар енгилдилар) ⇒ Мил. авв. 519 йил – саклар-тиграхаудаларга қарши юриш ⇒ Чўпон Широқнинг жасорати (мил. авв. 517 йил)
--	--

Ўрта Осиёнинг босиб олинган вилоятлари уч сатрапликка\* бўлиниб, қуйидаги қабилаларни бирлаштирган:




\* Сатраплик – форсча «хшатра» – вилоят сўзидан келиб чиққан. Вилоят бошлиғи – сатрапга чекланмаган ҳокимият берилган бўлиб, у фақатгина шоҳга бўйсунарди. Сатрапларнинг кўлчилиги аҳоманийлар сулоласи вакиллари эдилар.

Ҳар бир сатрапликнинг мажбуриятлари:



### Мил. авв. VI-IV асрларда маданиятнинг ривожланиши Машғулотлар




Қуйидагиларга ишлов берилган:

- ⇒ олтин
- ⇒ кумуш
- ⇒ лазурит
- ⇒ феруза
- ⇒ қора ва рангли металллар эритилган

Мил. авв. V-IV асрларда Ўрта Осиё ҳудудида дастлабки танга пуллар – Дариқлар (оғирлиги 6,7 гр. бўлган тилла тангалар) ва талантлар (34 кг кумуш қийматига тенг бўлган тангалар) тарқалади.

### Маъмур давр шаҳарлари



Аҳоманийларнинг Ўрта Осиё халқлари устидан ҳукмронлиги икки асрдан ортиқроқ давом этди.

Мил. авв. 330 йили македониялик Искандар қадимги форс давлатининг Аҳоманийлар сулоласидан бўлган сўнгги шоҳи Доро III қўшинларини тор-мор келтирди.

### ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАР БОСҚИНИГА ҚАРШИ ОЛИВ БОРГАН КУРАШИ (мил. авв. IV асрнинг охири ва III асрнинг ўрталари)

Македониялик Искандарнинг Шарққа юришлари: Эрон, ўрта Осиё, Ҳиндистонни босиб олиши. Мил. авв. VI-V асрларда, Доро I ҳукмронлиги даврида бошланган курашнинг давоми ва якуни сифатида ҳамда мазкур курашнинг, IV асрнинг ўрталаридаёқ македониялик Филипп таъсирида фаол иқтисодий сиёсати бошланган Греция ва Кичик Осиёда муваффақиятли кечиши. Бу унинг ўғлига қуйидагиларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини берди:



- Ички муаммоларни ечиш
- Халқаро низоларни ечиш
- Ижтимоий тенгликни ўз давлатида сақлаб қолиш



Юнон нотиғи Исократ мил. авв. 380  
йилда айтган:  
...юнонлар «урушни Осиёга, Осиё  
бахтини эса – ўзига» кўчириши лозим.

## Македониялик Искандарнинг истилоси ва юришлари

Македониялик Искандарнинг қўшинлари Ўрта Осиё ҳудудида мил. авв. 329 йилнинг баҳорида кўринадилар.

Ўрта Осиё заминини бўйсундириш учун Искандар уч йил сарфлади; у қуйидаги ҳудудларни забт этди:

- ⇒ Марғиёна
- ⇒ Бақтрия
- ⇒ Сўғд
- ⇒ Уструшана ва бошқалар.

Мустақил қолди:

Хоразм

чунки Хоразм, македониялик Искандар Аҳоманийлар қўшинини узил-кесил тор-мор келтирганидан сўнг, у тузган давлат таркибига ихтиёрий равишда қўшилишга рози бўлди.

чунки Искандарнинг мақсади Бақтрияни эгаллаш эди, шунинг учун ҳам у Фарасман билан иттифоқ тузишга рози бўлди. Фарасман унга, шу жумладан, Спитамен қўзғолонини бостиришда кўмаклашди.

### Мустақиллик учун кураш

Бу йиллар маҳаллий аҳолининг қўзғолонлари билан таърифланади. Бақтрия ҳукмдори Бесснинг сафдоши ва лашкарбошиси бўлган Спитамен қўзғолони (мил. авв. 329-327 йиллар) айниқса машҳурдир. Спитамен аввал Бессга хиёнат қилиб, уни Искандарга топширди, сўнг ўз қабиладошлари томонидан хиёнаткорона ўлдирилди.

### Мағлубият сабаблари:

Аҳолининг кўрсатган қаршилиги ва фаолияти ижобий натижалар бермади, чунки бу фаолиятлар тарқоқ, маҳаллий хусусиятларга эга эди:

1	Бир ҳодисада, аҳоли зироатчи қатламлари фаол иштрок этганлар.
2	Иккинчисида, Спитамен раҳбарлигидаги кўчманчи қабилалар.
3	Учинчисида эса, тоғ минораларидаги инларда ўтирган князларнинг аҳамияти катта бўлган.

Гуруҳларни ажратиб,  
Искандар улар устидан  
қийинчилик билан ғалаба  
қозонган

биноқ Искандарнинг енгил-  
маслигига асосий сабаб:

у маҳаллий ҳукмдорлар  
ҳокимиятига расмий  
мақом берган.

Искандар Осиёни истило қилишнинг  
дастлабки босқичларидан бошлаган маҳаллий  
зодагонлар билан яқинлашиш сиёсатини  
давом эттирган

### Македониялик Искандарнинг маҳаллий зодагонлар билан яқинлашиш сиёсати

Маҳаллий зодагонларга катта имтиёзлар берди (уларга  
ҳокимият, ерларни инъом этди).

Баъзи бир маҳаллий урф-одатларни ўз саройида жорий эта  
бошлади.

Маҳаллий зодагонлар вакили Оксиартнинг қизига уйланди ва  
Оксиартни Бақтрия ҳукмдори этиб тайинлади.

Маҳаллий - Шарқ урф-одатларини ўзи ҳам ўзлаштира  
бошлади.

Маҳаллий аҳоли вакилларини ўз қўшинига жалб этди,  
уларни ўзига яқинлаштирди.

Ўзи вайрон қилган баъзи шаҳарларни қайтадан тиклади ва  
янги шаҳарлар барпо этди (ҳаммаси бўлиб Александрия  
номли 12 та шаҳар қурилди, шулардан биттаси Сирдарё  
қирғоғида қурилган бўлиб, «Эсхат Александрияси» – «Чекка  
Александрия» деб аталади).



Натижада: →

«Шарқий эллинизм» деб аталган маданиятшуносликда янги ҳодиса – евросиё маданиятининг чагишмаси вужудга келди. Табиийки, алоҳида одамлар, қишлоқлар ва бутун бошли шаҳарларнинг тақдири фожиали кечди, аммо сиёсий ва иқтисодий манфаатлар инсон омили – шахсни ҳеч қачон эътиборга олмас эди.


### Ижобий аҳамияти



Юнон маданияти ва маҳаллий маданиятларнинг ўзаро аралашиб кетиши (синтези) асосида Ўрта Осиё антик давлатлари – Юнон Бақтрия ва Парфия ривожлана бошлади

### ЎРТА ОСИЁ САЛАВҚИЙЛАР ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА (Мил. авв. 312-250 йиллар)

Мил. авв. 323 йилда македониялик Искандар вафотидан сўнг, у ҳукмдорлик қилган империя уч давлатга бўлиниб кетади:



Бу давлатлар Искандарнинг энг яқин лашкарбошилари томонидан бошқарилди

### Салавқийлар давлатининг бошланиши

Мил. авв. 312 йилда Салавқа<sup>1</sup> Бобил давлати ҳукмдори бўлгач, давлат чегараларини Сирдарёдан Ҳиндгача кенгайтирди ҳамда Салавқийлар давлатига асос солди.

<sup>1</sup>Салавқа – македониялик энг истеъдодли лашкарбошилардан бири.

Давлат таркибига Искандар собиқ салтанатининг кўпчилилик қисми бирлаштирилди:

- ⇒ Эрон
- ⇒ Парфия
- ⇒ Бақтрия
- ⇒ Сўғдиёна
- ⇒ Марғиёна

**Салавқийлар давлати мавжуд бўлган даври**

Мил. авв. 312 йилдан - мил. авв. 64 йилгача (бевосита Ўрта Осиё халқлари билан боғлиқ давр мил. авв. 250 йилгача).

**Ҳокимиятни мустақкамлаш йўли**



Халқларни сатрапликларга бўлиш, бунда бир маъмурий ва хирож бирлигига жуғрофий ва этник жиҳатдан ҳар хил бўлган вилоятлар бирлаштирилди.

**Эллилаштириш жараёни**

Салавқийлар истило қилинган ҳудудларда юнонлар олдида қуйидаги вазифаларни қўйганлар..

- ⇒ Юнон тилини ёйиш
- ⇒ Юнон маданиятини тарқатиш
- ⇒ Юнон урф-одатлари ва диний эътиқодларини тарғиб қилиш
- ⇒ Шаҳар ва қишлоқларда юнон халқини жойлаштириш
- ⇒ Шаҳарларни ўзларининг исмлари билан аташ (Салавқия, Антиохия ва ҳоказо)

**Эллилаштириш -**

Шарқда юнон ва маҳаллий маданиятнинг бирлашиш жараёни

Мил. авв. 280 йилда, Салавқа вафот этганидан сўнг, унинг улкан давлатини ўғли **Антиох** 20 йилга яқин бошқарди. Антиох Салавқа билан Спитаменнинг қизи-Апама ўртасидаги никоҳдан туғилган бўлиб, Салавқа унга маҳаллий зодагонлар билан яқинлашиш сиёсатини юритган Искандарнинг бошқа сафдошлари сингари, ўз мавқеини мустақкамлаш мақсадида уйланган эди.

Ижтимоий-  
иқтисодий  
ривожланиш

- ⇒ Ирригация тармоғи кенгайтирилди.
- ⇒ Шаҳар ва қишлоқлар сони кўпайди.
- ⇒ Савдо айирбошлаши учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳунармандчиликнинг салмоғи ортди.
- ⇒ Жамоа қўлдорлик муносабатларининг чуқурлашиши билан уйғунликда янада ривожланди.
- ⇒ Давлат ҳокимияти кучайди

Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўзаро иқтисодий алоқаларининг жадаллашуви

### Маданиятнинг ривожланиши

Шарқ ва Ғарб ўртасида кенг миқёсдаги ўзаро маданий алоқалар

Бақтрияда тарқала бошлайди:

Ҳунармандчи —  
лик маҳсулотлари

Юнон тароз  
тизими

Юнон ёзуви


Санъат  
буюмлари

Пул муомиласи  
бирлиги

Шу билан бир вақтда, юнонлар Ўрта Осиёнинг кўпгина анъаналаридан, айниқса, бинокорлик ва ҳунармандчилик анъаналаридан фойдаландилар.

### Милoddан аввалги III асрда:

Салавқийлар давлатининг энг бой вилояти — Бақтриянинг кучайиши натижасида унинг ҳукмдори Диадот ажралиб чиқади. Бундан фойдаланган Парфия ҳукмдори Митридат қўшни Салавқийлар давлати ҳисобига ўз мулкларини кенгайтира бошлайди. Салавқийлар чекиниб ва ўз пойтахтини ғарбга кўчириб, охир-оқибатда Парфия подшолиги таркибига кирган кичкина ҳудуднинг ҳокимларига айланадилар.



Бақтрия ва Сўғдиёна ҳудудида Юнон – Бақтрия  
давлати барпо этилди, қолган ҳудудлар Парфия  
таркибига кирди

Мил. авв. 130 йилда Бақтрия давлати  
шимоли – шарқдаги ҳудудлардан келган  
қабилалар иттифоқи – Юечжилар (Кушонлар)  
томонидан забт этилди. Бу қабилалар  
иттифоқига Гоушан – Кушон қавми  
раҳбарлик қилган бўлиб, янги давлат унинг  
номи билан Кушон давлати деб аталди.

#### Давлатларнинг ташкил топиши

Шимоли-шарқда  
Қанғ иттифоқлари -  
Қангүй ташкил топади

Амударёнинг қуйи қисми  
ҳудудларида Хоразм  
давлати вужудга келади

#### ЮНОН-БАҚТРИЯ ДАВЛАТИ (Мил. авв. 250-140 йиллар)

Ҳудуди: ⇒ Бақтрия, Сўғд, Марғиёна ва тахминан, Довон  
(Фарғона) вилоятларининг қисми ҳамда Чоч.

Мил. авв. 170 йилда Сўғд (қисман) ва Чоч Қанғ подшолиги  
таркибига кирдилар.

Евтимедлар сулоласининг асосчиси:

Юнон Евтимед  
(қудратли шахс)

Унинг ўғли  
Демитрий

Унинг ҳукмронлиги даврида Юнон – Бақтрия давлати ўз тараққиётининг юқори чўққисига кўтарилади.

### Юнон-Бақтрия давлатининг истилочилик юришлари

Унинг таркибига қуйидаги ҳудудлар кирган:

- ⇒ Аракосия (қандаҳор вилояти, Афғонистон)
- ⇒ Дрангиана (Шарқий Эрон)
- ⇒ Паропамисада (Ҳиндиқуш тоғларининг жануби, Афғонистон қисми)
- ⇒ Ҳиндистоннинг Шимоли Ғарбий қисми, шу жумладан Синд (Хитой ва хунлар ҳудудигача)
- ⇒ Ария- Афғонистоннинг Хирот вилояти

### Юнон – Бақтрия давлатининг қулаши

Асосий сабаблари:

Ўрта Осиё халқларининг кураши  
(мил. авв. III аср ўрталарида)


Парфия давлатига қарши туриш  
ва Кушонни босиб олиш

Кушонни истило қилиш

Трог Помпей сўзлари: «Бақтрияликлар бирин-кетин тўхтовсиз урушлар олиб бориб, фақатгина давлатни эмас, балки ўз эркинликларини ҳам йўқотдилар, урушлар уларни мушкул аҳволга солиб, кучсизлантиргани тугайли, улар нисбатан кучсиз парфияликлар томонидан забт этилганлар».

### Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Бу даврда Юнон-Бақтрия жамиятида ибтидоий муносабатлар емирилиб, янги қулдорлик муносабатлари шаклланади. Бунга қуйидагилар таъсир кўрсатган:



### Сўнг жамиятнинг ижтимоий табақаланиш жараёни содир бўлди



### Деҳқончиликнинг юксак даражадаги ривож


Этиштирилган:	⇒ буғдой ⇒ гуруч ⇒ узум ⇒ беда	}	Сунъий суғориш, ариқлар, коризлар тизими ривожланган эди.
---------------	---	---	---

Шуғулланганлар:

- ⇒ йилқичилик,
- ⇒ боғдорчилик,
- ⇒ поллизчилик,
- ⇒ фойдали қазилмаларни: қора, рангли, қимматбаҳо металлларни қазиб олиш,
- ⇒ зийнат буюмлари ясаладиган, яримқимматбаҳо, ва қимматбаҳо тошлар,
- ⇒ ҳунармандчилик (танга зарб этиш, шиша, сопол, жездан идиш-товоқ яшаш, қурилиш, савдо-сотиқ ва ҳоказо) билан.




! *Ўрта Осиёдаги пул муносабатлари ривожланишининг илк босқичи айнан Юнон-Бақтрия давлати даврига тўғри келади.*



### Маданият

Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Юнонистон каби давлатлар маданиятлари айрим жиҳатлари билан маҳаллий хусусиятларнинг чапишганлиги, бу давр маданияти ва санъатига хос хусусиятдир.



**Ёзув:**

- ⇒ оромий алифбо
- ⇒ юнон ёзуви
- ⇒ кхорошти ёзуви (Панжобда тузилган)
- ⇒ сўғд ёзуви шакллана бошлаган

**Муסיқа катта аҳамиятта эга бўлган**

Мазкур мусиқа  
асбоблари  
маълумдир:

- ⇒ най
- ⇒ уд
- ⇒ ноғора
- ⇒ чилтор (арфа)
- ⇒ камонча билан чалинадиган асбоб
- ⇒ эгилган шох шаклидаги карнай

**Дин**

**Динларнинг аралашиб кетиши кузатилади**

↙	↓	↘
Эллинларнинг динлари, Юнон-Бақтрия ва Парфия ҳудудидан Зевс, Афина, Аполлон ва бошқа худоларнинг тасвири туширилган пўстлоқлар ва тангалар топилган.	Зардуштийликнинг оқимларидан бири бўлган маздеизм, бу ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъатда ҳамда тангаларда Анахита, Митра, Хумо образларида ўз аксини топган, Хоразм ва Парфияда оссуар дафн этиш усули ва шу кабилардан фойдаланилган	Ҳиндистон истило қилиниб, давлат таркибига қўшиб олиниши натижасида Бақтрияда ва унинг вориси – Кушон империясида буддизм, аниқроғи унинг Ўрта Осиёча кўриниши тарқалади.

**Шундай қилиб:**

Юнон-Бақтрия давлати Ўрта Осиё халқлари маданиятида ўз изини қолдирди, «шарқий эллинизм» деб номланган буюк ҳодисага асос солди, бу келгусида Ўрта Осиёда маҳаллий сулолалар давлатларининг вужудга келишига замин ҳозирлади.



## ҚАНҒА (КАНҒОЙ) ДАВЛАТИ (Мил. авв. III аср – милодий I аср)

Хитой ёзма манбаларида бу давлат Кангюй номи билан маълум.

Ҳудуди: → Қангха (Кангюй) – бу қадимий давлат бирлашмаси бўлиб, ҳозирги Тошкент воҳаси, Сирдарё оқими бўйидаги ерларни бирлаштирган.



Сақларнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалари мил. авв. III асрда унга асос солишган.

Қангханинг икки пойтахти бўлган:

1. Тошкент воҳаси Оқ – қўрғон туманидаги шаҳар қолдиқлари – Кандгиз собиқ пойтахти бўлган

2. Ёзги пойтахти Тарбанд бўлган (ҳозирги Ўтрор шаҳри)

### Давлат бошқаруви

Давлат ҳарбий демократия тамойилларига асосланган.  
Подшо қарорларни мажлис аъзолари билан Кенгашда қабул қилар эди.



Давлат ҳудуди бешта вилоятга бўлинган бўлиб, уларнинг бошлиқлари «Жабғу» ёки «Ябғу» дейилган

Улар ҳукмдорнинг яқинларидан, уруғ ва қабила бошлиқлари бўлган қариндошларидан тайинлаган



Қарам вилоятларни маҳаллий ҳукмдорлар бошқарган, улар марказий ҳокимиятга солиқ тўлаганлар

*Мил. авв. I асрда Қанғха давлати ҳарбий-сиёсий жиҳатидан мустаҳкамланаётган бўлса ҳам, у ижтимоий ривожланишнинг турли босқичида бўлган кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар бирлашмасидан иборат эди.*

Давлат бошида кўчманчи қабилаларнинг вакиллари турган

### Давлатнинг гуллаб-яппаши

Мил. авв. II асрнинг охирида Қанғха қабилалар иттифоқидан иборат қудратли давлатга айланди

Ҳукмронлар ўз тангаларини зарб қилдилар


Товар – пул муносабатлари ривожланди

Шаҳарлар, девор билан ўралган манзилгоҳлар, қалъалар қурилди

Давлат иқтисодий юксалди

Давлат ҳудуди орқали Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи ўтарди

### Қанғликларнинг машғулоти:



**ҚАДИМГИ ХОРАЗМ**  
(Мил. авв. IV аср – милодий IV аср)

**Хоразм – мустақил давлат**

Аҳоманийлар  
давлати юнонлардан  
мағлуб бўлганидан  
кейин

Македониялик  
Искандар  
даврида

Салавқийлар  
даврида

**Аҳоли хўжалигининг асоси**

**Дехқончилик ва ҳунармандчилик ишлаб  
чиқаришни**

**Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида юксалиш**

Чинни идиш

Заргарлик буюмлари

Металл қуроллар

Қурол – аслаҳалар

**Савдо-пул муносабатлари ва савдо алоқаларининг ривожини  
(қуйидаги шаҳарлар орасида муҳим савдо йўллари ўтган):**

Сўғд

Марғиёна

Бақтрия

Даштли  
вилоятлардаги  
кўчманчи  
аҳоли

Қумуш ва мис тангалар зарб қилинар  
эди

**Маданият ўзига хослигини сақлаб қолишнинг сабаби**



Хоразм ўрта Осиёдаги қадимий, йирик давлатлар бўлиши Юнон-Бақтрия ва Парфия таркибига кирмагани

**Хоразмда ўрта Осиёнинг қадимги ёзувлари мавжуд бўлган**

Оромий  
(мил. авв. V – VI асрлар)

Қадимги Хоразмий ёзуви  
(мил. авв. IV – III асрлар)

Мил. авв. I асрдан милодий VIII асргача Хоразмда маҳаллий йил ҳисоби жорий қилинган.

**Шаҳарлар қурилиши ривожланган:**

Милоддан аввалги VI асрдаги Қўзилигир шаҳари.

Милоддан аввалги V асрда Қалъалигир шаҳари.

Милоддан аввалги III-II асрлар	⇒ Жонбосқалъа IV ⇒ Қўйқирилган қалъа ⇒ Тупроқалъа
--------------------------------------	---

(Ўзига хос архитектура, бадиий безак)

**Тоҳаристон** вилояти - Вилоят номи Амударёнинг қуйи қисмидан дарё оқими бўйлаб юқорига кўчиб борган тоҳарлар (мил. авв. II аср – милодий I аср) номидан келиб чиққан.

Ҳудудлари: жанубий Ўзбекистон, Тожикистоннинг катта қисми, Афғонистон шимолий ҳудудларининг қисми

Сурхондарё вилоятида мил. авв. II – I асрларга оид манзилгоҳ-шаҳарлар: Термиз, Зартепа, Далварзинтепа топилган

Тоҳаристон ҳудудидан Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғи ўтган

## ДОВОН ДАВЛАТИ (ПАРКАНА, ФАРҒОНА)

Мил. авв. II-I асрларда Довон ҳозирги Фарғона ва унга қўшни вилоятларнинг ҳудудларини назорат қилган кўпқабилали бирлашмалардан бири эди.


Хитой тарихий манбаларида Фарғона-Паркана, Довон деб аталган

Қадимги даврда (мил. авв. VII-IV асрларда) Фарғона ўз мустақиллигини сақлаб қолган

*Ҳудуди:* Тошкентгача бўлган ҳудудларни ўз ичига қамраб олган.

*Довон пойтахти* – Эрши (ҳозирги Марҳамат шаҳри)

### Давлат иттифоқининг бошқарув тизими



Ҳукмдорнинг ҳуқуқлари

Олий кенгашда ҳукмдорнинг ҳуқуқлари чекланган эди, олий кенгаш ҳукмдорни ағдариб ташлаши ҳам мумкин эди.

### Давлатнинг сиёсий тузилиши

Конфедерация — шаҳар — давлатларнинг ёки воҳа — давлатларнинг милоддан аввалги XI — VII асрлардаги (кечки бронза даври) эркин бирлашмасидир.

#### Конфедерация асослари

Деҳқончилик воҳалари

Чорвачилик минтақалари

#### Аҳоли қуйидаги машғулотлар билан шуғулланган:

Хитой ва ғарбий давлатлар билан савдо қилишган

йилқиччилик («самовий отлар»)

боғдорчилик, хунармандчилик ишлаб чиқариши, деҳқончилик:  
— шоли  
— беда  
— буғдой  
етиштириш

Савдода маҳсулотларнинг табиий айирбошлаш тури ривожланган

Аҳолининг техник қолоқлиги маҳаллий пул зарб этиш ва темирдан буюмлар ясай олмаслигига сабаб бўлди

Ижтимоий ва ҳаётда аёллар катта ўрин эгаллаганлар.

Ўрта Осиёда **Эфталитлар давлати** ташкил топганидан кейин иттифоқ давлат (Довон) ўз мустақиллигини йўқотди ва милодий V аср ўрталаридан унинг ҳудуди мазкур давлат таркибига кирди


## КУШОН ДАВЛАТИ (милодий I – IV асрлар)

Милoddан аввалги 140-130 йилларда Юнон-Бақтрия ҳудудига кўчманчи қабилалар – юечжилар (Кушонлар\*) кириб келиши бошланди.

Юечжиларнинг кириб келиши Юнон-Бақтрия подшолигининг батамом тугатилишига олиб келди.

Ҳудуди ⇒ Шимолий Бақтрия ерлари

Давлат пойтахти ⇒ Сурхондарё воҳасидаги Далварзинтепа ўрнидаги шаҳар



\* Кушонлар – бу ном юечжи – гуйшуан қабилаларидан бирининг номидан келиб чиққан.


Кушон давлати Рим, Парфия ва Хан Хитойи билан бир қаторда, ғарбда Британия оролларида, шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган барча ҳудудларни ўзаро бўлишиб олган жаҳон империяларидан бири эди.

**I -II асрларда Кушонлар давлатининг гуллаб- яшнаши:**

Канишка  
ҳукмронлиги  
(милодий 78-  
123 йиллар)

- ⇒ ҳудуд анча кенгайтирилди
- ⇒ янги шаҳарлар қурилди
- ⇒ Ҳиндистон, Хитой ва Рим империяси билан савдо алоқалари ўрнатилди (Фарғона отларининг қиймати баланд эди)
- ⇒ ҳунармандчилик юксак даражада ривожланди
- ⇒ суғориладиган деҳқончилик ерлари кўпайди
- ⇒ Оромий ёзуви
- ⇒ Диний бағрикенглик (илоҳлар сонининг кўпайиши, лекин буддизмга ҳомийлик)

**Кушон давлатидаги кашфиётлар**






Кушон давлатининг ёзувлари:



- ⇒ оромий ёзуви
- ⇒ кушон курсив ёзуви
- ⇒ юнон алифбосидаги ёзув
- ⇒ оромий ёзуви асосидаги хоразм ва сўғд ёзувлари
- ⇒ кушон-бақтрия алифбоси
- ⇒ ҳинд алифбоси – брахма
- ⇒ кхорошти алифбоси

Диний эътиқодлар



## Қурилиш ва архитектура юксак даражада ривожланди



⇒	Ўрта Осиёда шаҳарлар мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўралган
⇒	Иншоотлар аниқ режа билан тўғри қурилган
⇒	Бинолар пишиқ гипсдан қурилган
⇒	Шаҳар мавзеларга бўлинган
⇒	Уйларнинг, айниқса, саройлар ва ибодатхоналарнинг деворлари ўйма нақшлар билан безатилган.

*Металл ва суяк қирқип юқори даражага етди.*

Кушон салтанати маҳаллий, қадимги шарқий ва эллин маданияти анъаналарини давом эттирди.

### Археологик ёдгорликлар:

0

- Холчаён
- Далварзинтепа
- Айртом
- Зартепа
- Қоратепа
- Тупроққалъа
- Қалъалиқир
- Жонбосқалъа IV
- Афросиёб
- Панжакент
- Болаликтепа
- Фаёзтепа ва ҳоказолар

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Қадимдан машҳур бўлган Буюк ипак йўли Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида тарихий-маданий алоқалар ва савдо-сотиқнинг ривожланишида XVI асргача улкан аҳамиятга эга бўлди. Буюк ипак йўли, йил мавсуми, алоҳида минтақалардаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга қараб карвонлар танлайдиган кўп сонли, серқатнов йўллар тизимидан иборат бўлган.

Буюк Ипак йўли,  
мил. авв. II асрдан  
милодий XVI  
асргача (Унгача  
«Ғарбий  
меридионал йўл»  
деб аталган)

⇒

1877 йилда немис олими К. Рихтгофен бу йўлни шундай деб номлаган

⇒

У Сарик денгиз қирғоқларидан бошланиб, то Шарқий Туркистон, ўрта Осиё, Икки дарё оралиғи ва Ўрта Ер денгизигача давом этган

⇒

Буюк Ипак йўлида қадимий шаҳарлар: Еркент, Самарқанд, Бухоро, Марв жойлашган

⇒

Йўналиш: Марв → Бағдод → Дамашқ → Самарқанд → Термиз → Балх → Ҳиндистон

⇒

Иқтисодий, сиёсий ва маданий айрбошлаш


⇒

Элчилик алоқалари


⇒

Динларнинг тарқалиши (буддизм, насронийлик, иудаизм)

Асосий Буюк Ипак йўлидан ташқари, унга қўшиладиган, яқинда ном олган қарвон сўқмоқлари ҳам бор эди:



Буюк Ипак йўлидан олиб ўтилган:



Буюк Ипак йўли йўналиши бўйлаб манзилгоҳларнинг қазилмалари давомида турли буюмлар, шунингдек, кўплаб давлатларнинг тангалари, жумладан:

- ⇒ Термиз ёнида Рим тангалари хазинаси,
- ⇒ Афросиёб шаҳаридан Римликларнинг лойчироқлари топилган.

### Буюк Ипак йўлини кимлар ва қачон назорат қилганлар?

- III-IV асрларда сўғдийлар
  - VI асрнинг иккинчи ярмидан Турк ҳоқонлиги
  - VII-VIII асрларнинг ўрталарида араблар
  - IX-X асрларда Сомонийлар давлати
  - XI-XII асрларда Қорахонийлар, Қорахитойлар ва Салжуқийларнинг давлатлари
- 
- XIII асрда мўғуллар
  - XIV асрнинг 70 йилидан Амир Темур ва темурийлар давлати

Янги эранинг бошидан IX асргача Буюк Ипак  
йўлида Сўғд тили халқаро савдо тили бўлиб  
ҳисобланган.

Шундай қилиб, Буюк Ипак йўли туфайли, Ўрта Осиё халқлари Ғарб ва Шарқ давлатлари иқтисодиёти ва маданияти билан танишдилар, шунингдек, Ғарб халқлари ўзлари учун Ўрта Осиёдаги тараққиётнинг янги босқичини кашф қилдилар.

## II ҚИСМ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР


### ЭФТАЛИТЛАР ДАВЛАТИ

(V асрнинг ўрталари - VI асрнинг ўрталари)

IV асрда Ўрта Осиёда етакчилик мавқеи вақтинча ўзга қabila вакиллари – хонлар ёки хионитларга ўтади. V асрнинг ўрталарига келиб Эфталитлар\* давлатининг шаклланиши ўз ниҳоясига етди.

Ҳудуди: Каспийдан Қошғаргача бўлган мулкларни ўз ичига олган

Пойтахти – Варахша шаҳарининг ўрнида (Бухоро яқинида)



\* Эфталитлар – уруғ қabila номи бўлиб, сўзнинг ўзи V асрнинг II ярмидаги арман манбаларида «хептал» шаклида маълум бўлган. Феофан Византийскийнинг хабар беришича, эфталитлар ҳукмдорининг исми Вахшунвара бўлиб, у Эфталон деб чақирилган ва бу номдан унинг давлати «эфталитлар» деб аталган.

Эрон давлати  
Хусрав I Анушервон  
даврида (сосонийлар  
авлоди)

- ⇒ солиқни эфталитларга кумуш билан тўлаган
- ⇒ бироқ VI асрнинг ўрталаридан бошлаб, туркларнинг пайдо бўлишидан фойдаланиб ва улар билан биргаликда, эфталитлардан Тоҳаристонни тортиб олган
- ⇒ 563-567 йилларда ҳоқон Сиёсувул Эрон билан иттифоқликда эфталитларни тор-мор қилади ва уни вассалликка айлантиради

Аммо турклар Эрондан, улар эфталитларга тўлайдиган хирожни ўзларига тўлашни талаб қилдилар. Бунга улар Эрондан рад жавобини олдилар. Натижада турклар ва сосонийлар ўртасида кўп йиллик урушлар бошланди. Бу урушлар уларни араб халифалиги вужудга келган давргача заифлаштириб қўйди.

### Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Асосий  
хусусияти

⇒ Янги ижтимоий-иқтисодий-феодал  
муносабатлар вужудга келди


Аммо жамиятда ибтидоий тузум ва қулдорлик  
муносабатларининг сарқитлари сақланиб қолди.

### Аҳоли

Кўпчилик аҳоли  
деҳқончилик  
билан  
шуғулланирди

Аҳолининг бир  
қисми кўчманчи  
ҳаёт тарзида яшар  
эди


Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимида қуйидагилар кузатилади:



### Савдо-сотиқ

Эфталитлар халқаро жаҳон савдо – сотиғида қатнашдилар, савдода сосонийлар зарб қилган тангалар ва маҳаллий тангалардан фойдаландилар.

Улар қуйидаги давлатлар билан савдо қилдилар:



Савдодаги асосий моллар:

- ⇒ ипак;
- ⇒ шига буюмлар;
- ⇒ зираворлар;
- ⇒ қимматбаҳо тошлар
- ⇒ ва бошқалар.

### Маданият


Эфталитлар маданиятида кушон подшолиги таркибига кирган халқлар маданиятининг айрим жиҳатлари сақланиб қолган



## Тил ва ёзув



## Дин тизимлари ва маданият



## Ҳунармандчилик


Айрим инқироз кузатилади, лекин:



Ипак, рангли шиша ишлаб чиқариш  
гуллаб – яшнади

## ТУРК ҲОҚОНЛИГИ (VI-VII асрлар)

VI аср ўрталарига келиб Олтой, Егтисув ва Ўрта Осиёдаги турли қабила ва халқларнинг бирлашмаларидан катта давлат – Турк ҳоқонлиги вужудга келди. У Ўрта ва Марказий Осиё мамлакатларида ўз ҳукмронлигини ўрнатди.




Ҳоқонлик → «мўғуллар истилосигача бўлган даврдаги қудратли Ўрта Осиё давлати».

Ажралиб турадиган хусусиятлари



Турклар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг маданий вилоятларини бўйсундириб, ўзлари даштда қолдилар (кўчманчи ҳаёт тарзи)



**Сабаблари:**

1. Эроннинг Ўрта Осиёни босиб олишга интилиши.
2. Турк ҳоқонлигининг Буюк ипак йўлидаги энг муҳим манзилларни эгаллашга интилиши.
3. Эроннинг Буюк ипак йўлидаги савдо-сотиқни ўзининг тўлиқ назорати остига олишга интилиши.


**VI асрнинг 70-йилларида:**


1. Византия ва Эрон ўртасидаги уруш.
2. Хитойда ғалаёнларнинг кучайиши.
3. Турклар Хитой ҳудудига бир қатор ҳарбий ҳужумлар уюштирадилар.
4. Хитойга 1000 той ипак миқдорида ҳар йили хирож тўлаш талаби қўйилади.



Турклар Византиянинг Эронга қарши иттифоқчиларига айландилар. Натижада ёш турк давлатининг ривожланиши учун қулай вазият вужудга келди.

589-617 йилларда Хитой иқтисод ва маданиятининг юксалиш даврини бошидан кечирди:





Турк ҳоқонлиги  
инқирозининг  
сабаблари



Аввал туркларнинг иттифоқчиси бўлган хитойликлар 630 йилда яна туркларга зарба берадилар.



VII аср охирида ғарбдан янги душман кириб келди – араблар халқларнинг узоқ вақт қаршилик кўрсатишига қарамай, Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрната бошладилар

### Ижтимоий-иқтисодий тузум

Ғарбий турк ҳоқонлиги ҳеч қачон ҳақиқий марказлашган давлат бўлмаган

Ҳоқон Олий ҳокимиятни фақат  
номигагина бошқарар эди

«Қурултой» – зодагонлар кенгаши

Ҳоқонлик ҳокимлар ҳукми остидаги ўнта турк қабиласининг бирлашмасидан иборат эди.

Иқтисодий юксалиш

V-VI асрларда  
Туркларнинг  
ижтимоий-  
иқтисодий  
муносабатлари

- кашоварзлар – эркин аҳоли
- кадиварлар – қарам аҳоли
- деҳқонлар – зодагонлар
- чокарлар – соқчилар
- қуллар – ҳуқуқсиз аҳоли

### Деҳқончилик

Аҳоли қуйидагиларни етиштириш билан шуғулланган:

буғдой

арпа

беда

шоли

тариқ ва б.

Суғориш тизими ривожланишда  
давом этган.

### Металл қазиб олиш

Руда конлари  
бор эди

- Фарғона ва Сўғда олтин, мис, темир қазиб олинган.
- Илоқда қўрғошин, кумуш қазиб олинган.
- Шаҳрисабз ҳудудида қизил, оқ, кулранг ва шаффоф туз қазиб олинган.

## Шаҳарлар

Шаҳарлар VI-VII асрларда жуда кўп бўлиб, ривожланган инфратузилмага эга эди.

Бундан ташқари:

Катта оилага мўлжалланган  
мустақкам қўрғон – қасрлар  
бўлган

Эркин аҳоли майда  
мустақкамланган қўрғонларда  
яшаган

Қўпгина қўрғонларнинг марказида  
минора – кўшк жойлашган.

## Савдо

Ички ва ташқи савдо аҳолининг асосий  
машғулотларидан бири бўлган.

Бухоро вилоятида  
мутгасил савдо  
олиб борилган.  
Пойканд  
«савдогарлар  
шаҳри» деб  
аталган.

Хитой билан қизғин  
савдо олиб борилган.  
Самарқанддан Хитойга  
9 та савдо элчилари  
юборилган.

Каспий денгизи  
орқали савдо олиб  
борилган

## Қўшин

Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган алоҳида ер – мулк  
эгаларининг умумий қўшинлари бўлмаган

Ҳар бир князликда ўзларининг бир неча юздан ортиқ  
одамдан иборат кичик гуруҳлари бўлган

Улар деҳқонлар ҳисобига тўлдирилган

Қўшинлар тузилишида синфий қатламларга ажратишлар ва феодализмнинг ривожланиши аниқ ўз ифодасини топган

Отлиқ аскарлар маҳаллий зодагон деҳқонлардан тузилган.

Шахсий қўшин отлиқлар ва пиёдалардан ташкил топган, «чокарлар» деб аталган ёлланма аскарлардан танлаб олинган.

### Маданият

Чу дарёсидан Амударёгача бўлган ҳудудларда маданиятнинг умумийлиги кузатилган, бу моддий ва маънавий маданиятнинг ўхшашлигида ўз ифодасини топган.

### Диний эътиқод

Мовий осмон эътиқоди

Монийлик

Буддизм

Христианлик

Зардуштийлик

Ёзув – сўғд ёзуви.

### Муסיқа (асбоблар)

Торли асбоблар

Дўмбиралар

Пуфлаб ҷалинадиган асбоблар

### Ривожланди:

Рассомлик

Меъморчилик

Ҳунармандчилик

Амалий санъат турлари




